

Herald pedagogiki. Nauka i Praktyka

wydanie specjalne



Warszawa
2021

Editorial Team

Editor-in-chief: *Gontarenko N.*

EDITORIAL COLLEGE:

W. Okulicz-Kozaryn, *dr. hab, MBA, Institute of Law, Administration and Economics of Pedagogical University of Cracow, Poland;*

L. Nechaeva, *PhD, PNPU Institute K.D. Ushinskogo, Ukraine.*

K. Fedorova, *PhD in Political Science, International political scientist, Ukraine.*

ARCHIVING

Sciendo archives the contents of this journal in [ejournals.id](#) - digital long-term preservation service of scholarly books, journals and collections.

PLAGIARISM POLICY

The editorial board is participating in a growing community of [Similarity Check System's](#) users in order to ensure that the content published is original and trustworthy. Similarity Check is a medium that allows for comprehensive manuscripts screening, aimed to eliminate plagiarism and provide a high standard and quality peer-review process.

About the Journal

Herald pedagogiki. Nauka i Praktyka (HP) publishes outstanding educational research from a wide range of conceptual, theoretical, and empirical traditions. Diverse perspectives, critiques, and theories related to pedagogy – broadly conceptualized as intentional and political teaching and learning across many spaces, disciplines, and discourses – are welcome, from authors seeking a critical, international audience for their work. All manuscripts of sufficient complexity and rigor will be given full review. In particular, HP seeks to publish scholarship that is critical of oppressive systems and the ways in which traditional and/or “commonsensical” pedagogical practices function to reproduce oppressive conditions and outcomes. Scholarship focused on macro, micro and meso level educational phenomena are welcome. JoP encourages authors to analyse and create alternative spaces within which such phenomena impact on and influence pedagogical practice in many different ways, from classrooms to forms of public pedagogy, and the myriad spaces in between. Manuscripts should be written for a broad, diverse, international audience of either researchers and/or practitioners. Accepted manuscripts will be available free to the public through HPs open-access policies, as well as we planed to index our journal in Elsevier's Scopus indexing service, ERIC, and others.

HP publishes two issues per year, including Themed Issues. To propose a Special Themed Issue, please contact the Lead Editor Dr. Gontarenko N (info@ejournals.id). All submissions deemed of sufficient quality by the Executive Editors are reviewed using a double-blind peer-review process. Scholars interested in serving as reviewers are encouraged to contact the Executive Editors with a list of areas in which they are qualified to review manuscripts.

ЎҚУВ ЖАРАЁНИГА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Гулнора Ибрагимова

п.ф.д., ТДИУ профессори,

Жахонгир Бойалиев

ТДИУ "Умумий ва аник фанлар" кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. Мақолада ўқув жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этиши истиқболлари ёритилган.

Калит сўзлар. Ахборот технологиялари, ўқув жараёни, педагогика, янги педагогик технологиилар.

Аннотация. В статье описаны перспективы внедрения новых педагогических технологий в образовательный процесс.

Ключевые слова. Информационные технологии, учебный процесс, педагогика, новые педагогические технологии.

Abstract. The article describes the prospects for the introduction of new pedagogical technologies in the educational process.

Keywords. Information technology, educational process, pedagogy, new pedagogical technologies.

Педагогик технология шундай билимлар соҳасику, унинг воситасида янги минг йилликда давлатнинг таълим соҳасидаги сиёсатида туб бурилиш юз берди, ўқитувчи фаолияти янгиланди, талаба ёшларда хур фикрлилик, инсонпарварлик туйгулари тизими шакллантирилди. Аввало методикани технологиядан ажратা олишимиз керак. Шу боисдан бу тушунчаларга аниқлик киритиш керак бўлади. Методика (услубият) ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар мажмуасидан иборат[1-3].

Педагогик технология эса олдиндан белгилаб қўйилган аниқ мақсад йўлида ўқитувчининг касбий фаолиятини янгиловчи ва таълимда якуний натижани кафолатлайдиган тадбирлар мажмуаси йифиндисидир.

Педагогик технология тушунчасини ойдинлаштиришга қаратилган таърифларнинг хилма-хиллиги, бир томондан ривожланган мамлакатларда ушбу мавзунинг у ёки бу даражада ечилаётганлигини кўрсатса, иккинчи томондан, педагогик технологияни педагогик амалиётта жорий этишга бўлган уринишларнинг маълум натижасини ифодалайди. Кузатувларимизга кўра, узоқ йиллар давомида педагогик технология назарияси ва амалиёти бир бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўрганиб келинди. Натижада, ўқитиши жараёнини такомиллаштириш ёки талабаларнинг билиш фаолиятини ривожлантиришга қаратилган у ёки бу илгор методикалар технология даражасига кўтарила олмай, аста-секинлик билан ўз мавқенини йўқотиб педагогика фанидан узоқлаша бошлаган эди[2].



Бугунги қунда мамлакатимизда мутахассисларнинг илмий салоҳиятини бирлаштиришга ва такомиллаштиришга имкониятлар етарли. Назария ва амалиёт бирлигининг таъминланиши педагогик технологиянинг асл моҳиятини аниқлашга йўл очади. Фикримизча, янги педагогик технологияга педагогика фанининг алоҳида тармоғи сифатида ёки фақат таълим амалиётини мақбуллаштиришга йўналтирилган тизим, деб қараш мумкин эмас. Педагогик технология бу соҳадаги назарий ва амалий изланишларни бирлаштириш доирасидаги фаолиятини акс эттиради. Дарвоҷе, педагогик технологияга "янги" сўзнинг қўшиб ишлатилиши назариётчи олимлар ва ўқитувчиларни бир қадар ўйлантириб қўйди, улар эндиликда таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаштиришга эскича ёндашиш мумкин эмаслигини англашга ҳаракат қилмоқдалар. Шундай экан "Янги педагогик технология" нимани англатади? Педагогик технология ўқув жараёни учун лойиҳаланади ва белгиланган мақсадни ечишга алоҳида эътибор қаратилади. Бинобарин, ҳар бир жамият шахсни шакллантириш мақсадини аниқ белгилаб беради ва шунга мос ҳолда маълум педагогик тизим (умумтаълим мактаби, лицей, коллеж, олий ўқув юрти) мавжуд бўлади. Бу тизимга узлуксиз равишда ижтимоий буюртма ўз таъсирини ўтказади ва таълим-тарбия мақсадини умумий ҳолда белгилаб беради. "Мақсад" эса педагогик тизимнинг қолган элементларини ўз навбатида янгилаш заруратини келтириб чиқаради.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури таълим-тарбиянинг янгича усулда олиб борилишини қўзда тутмоқда, унда пировард натижа: "Ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитдан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берадиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш"дан иборат. Демак, таълим тарбиянинг мақсади бутунлай янгиланади, унга мос ҳолда мазмуннинг ҳам, педагогик жараённинг ҳам янгилини билан инсон фаолияти чегараси ниҳоятда кенгайиб бормоқда, аудиторияга ўқитиш имкониятлари катта бўлган янги технологиялар (саноат, электрон, ахборот) кириб келмоқда.

Рўй бераётган сифат ўзгаришлари шундан далолат берадики, эндиликда "ўрганиш"нинг бирламчи жараёнларини анъанавий методика ва ўқитиш воситалари қолипига сифмай ўқитувчининг индивидуал қобилияtlарига мос келмай қолди. Янгилик киритишнинг муҳим шарти мулоқотнинг янги вазиятини ҳосил қилишдир.

Мулоқотнинг янги вазияти бу ўқитувчининг ўз мустақиллик мавқеини, дунёда педагогик фанда, ўзида бўлган янги муносабатларни яратади олиш қобилиятидир. Янги методикаларни талаб этадиган ва таълим жараёнининг таркибий компонентларига айланиб бораётган ва унга ўзининг маълум хусусиятларини жорий этадиган янги техникавий, ахборотли, полиграфик, аудиовизуал-воситалар мавжудки, улар янги педагогик технологияни реал воқеликка айлантироқда.

Таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш тарихига назар соладиган бўлсак, бу жараён XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб объектив воқеликка айланди. Ахборотлаштириш эса бу жараёндаги инқилобий



"бурилиш"дир. Оддийлик тил билан айтганда таълим ахборот технологиясибу "талаба-компьютер" ўртасидаги мулоқотдир.

Ахборотли технология педагогик технологиянинг таркибий қисми, техник воситаларнинг мукаммалашган замонавий тури сифатида таълим жараёнида қўлланила бошлади. Келажакда иқтисодий бўронлар ортда қолиб, ўқув юртлари дастурли "машина" билан тўлиқ дарражада таъминланди.

Ахборот технологияси воситасида, талаба(талаба)ларнинг билиш фаолиятини ташкил 30ти шва бошқариш имконияти туғилди ва ўқитувчининг яқин кўмакдошига айланди, унинг функцияларини қисман ўз зиммасига олди.

Айни пайтда янги таълим тизими, мазмуни, ўқув режа, дарсликлар асосида ўқув жараёнини лойиҳалаштиришга ҳам янгича ёндашиш, ташкил этиш давр талабидир.

Педагогик янгилик ўз моҳиятига кўра оммавий тажрибалар мулки бўлиб қолиши лозим. Педагогик янгиликни дастлаб айрим ўқитувчиларнинг фаолиятига олиб киради. Кейинги босқичда - синалгандан ва объектив баҳолангандан сўнг педагогик янгилик оммавий тадбиқ этишга тавсия этилади.

Замонавий ахборот ва коммуникацион технологиялари ўқитишнинг янги шакл ва методларини ишлаб чиқиш учун кенг имконият яратилди. Шу билан бирга, ахборот коммуникацион технологияларини чуқур ўргатиш, талabalарни катта хажмдаги маълумотларни қабул қилиш, қайта ишлаш ва мустақил ишлаш муаммоси юзага келмоқда. Мактабдан қасб-хунар коллежига ўқишига келган қўп талabalар мустақил фикрлаш ва ишлаш бўйича етарлича қўниkmaga эга эмас. Айримларининг билим олишга қизиқишлири жуда паст. Бундан кўриниб турибдики қасб-хунар таълимидағи энг долзарб муаммолардан бири талabalарнинг билим олишга қизиқишини ошириш ва мотивациялашдир.

Бугунги қунда фақатгина маърузага асосланган анъанавий дарслар вақти ўтди. Ахборот оқими суръати тезлашган бир пайтда ўтилаётган ҳар бир дарс ранг-баранг бўлмаса, талаба эътиборини билимга жалб этиш мушкул.

Бунинг учун ўқитувчи тинмай изланиши, ижодкор бўлмоғи даркор. Бундай холда, айниқса дарсни ўйинлар асосида қўриш тизимига асосланиб ўтиш сезиларли самара беради. Ўйинлар эса талаба психологиясидан келиб чиқиб, танлангани маъкул. Биринчи бўлишга ундаш услуби доимо ўзини оқладайди.

Чунки болалар ҳамиша ўзини кўрсатгиси, тенгдошларидан бир қадам олдинда юргиси келади.

Дарсларда ҳам янги маълумотларни етказишдан аввал ўқитувчи уларнинг дастлаб олган билимларини, тасаввурларини аниқлаштиради, бир тизимга солади, олинган билимлар ҳар хил кўргазмали воситалар, слайдлар, мультимедия, тарқатма материаллар, қўшимча адабиётлар билан мустахкамланса мақсадга мувоғиқ бўлади. Дарсда олиб бориладиган таълим-тарбия ишларининг асосий элементларидан бири, талabalарнинг ўзаро фаоллик асосида мустақил, эркин фикрлаш ўқув ва амалий топширикларини бажаришлари, хаётда албатта етуклилка етаклайди.

Дарсларда фойдаланиладиган ҳар қандай интерфаол усуллар таълим



ҳарактерига эга бўлиб, талабалар билимининг мустахкамланишига, аниқлаштирилиши ва кенгайишига, уларни умумлаштиришга ва тизимга солишга ёрдам беради. Талабалар бир-бирларидан ўзаро мухокома асосида ўрганадилар.

Дарсларнинг интерфаол усуллари орқали ташкил этилиши, талабаларнинг ўзлаштириш самарадорлигини оширади. Таълим сифатини оширишда амалга оширилаётган ишлар хақида гап кетганда, таълим бериш жараёнини эзгулик кўпригига ўхшатамиз, бу кўприқдан талабаларимизни билимли, дунёқараши кенг қилиб олиб ўтиш устозни, яъни ўқитувчиларни вазифаси деб биламиз.

Дарсларнинг назарий ва амалий қисмида талабаларнинг қизиқишини ошириш учун педагогик технологиянинг самаравали усулларидан фойдаланиб, кичик гурӯҳларга бўлинган холда олиб борилади. Машғулотларни олиб бориш жараёнини кузатиб бориш ва керакли маслаҳатлар бериш кичик гурӯҳларда дарсларни самаравали ўтилишига ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар.

1.Солиева К.И., Тайлакова Д.Н., Тайлақова Г.Б. Мультимедиа муҳити асосида таълимни ташкил этиш // "Физика, математика ва информатика" журнали. -Т.: 2012. №1. Б. 87-91.

2.Йўлдошев Ж.Ф., Усманов С.А. Педагогик технология асослари: Қўлланма. - Т.: Ўқитувчи, 2004. - 104 б.

3.Ҳамдамов Р., Бегимкулов У., Тайлақов Н. Таълимда ахборот технологиялари. -Тошкент: "Ўзбекистон Миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2010. -120 б.